

Рустам Жабборов

Қаллоблар

Ўн йиллик адвокатлик тажрибасига эга Одилбек янги мижозини бошдан-оёқ, кўздан кечириб, дабдурустдан у ҳақда бир хулосага келолмади: юпун ва кўримсиз кийим-бошига қараганда, қўл учида кун кўрадиган кишлоқ одами эканини пайкаш қийин эмасди. Аммо юз тузилиши, қарашлари, хатти-ҳаракатлари одмигина кишиларникига ўхшамайди. Қолаверса, бугунги кунда бирор кўргилик юзасидан адвокат ёллашга унча-мунча камбағалнинг қурби етмаслиги ойдек равшан. Демак, манави айёр башара кимса ўзига, чўнтагига ишонмаса адвокатнинг, яна бутун туманга донғи кетган тажрибали химоячининг ёнига бош уриб келмаган бўларди. -Хўш, хизмат?-деди адвокат совуқ ва расмий оҳангда. -Қози бува,-шафқатталаб, қалтироқ овозда гап бошлади ҳалиги кимса.-Биттагина болам туҳмат билан қамалиб кетди. Худонинг қаҳрига учрагур раис зўрлигини бизга қияпти. Болагинам қўй оғзидан чўп олмайдиган, бировнинг игнасига ҳам тегмайдиган ҳалол йигит. Беш йилдан бери раиснинг хизматини қилиб келди. Мол-ҳолига, ўтин-чўпига, уй ишларига қарашарди. Раис ҳам ўзидан ортганини онда-сонда бизга ошириб турарди. Бир ҳафта аввал эскироқ бўлсаям бир сидра кийим-бош берувди. Биз ота-бола кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, раисни дуо қилиб юраверибмиз. У ярамас порахўрнинг нияти бошқа экан. Кунни кеча уйимизга учта миршаб билан бостириб кирди. Ҳамма ёқни тит-пит қилиб, раиснинг ўзи берган кийим-бошларини топиб олди-ю, ўғлимнинг қўлига кишан солиб олиб кетишди-да! Минг ялиниб-ёлвордим фойдаси бўлмади. Нима эмиш, ўғлим раиснинг сандиғини очиб, шу кийимларини ўғирлаб олганмиш. Қози бува, ўзингиз ёрдам беринг. Бир камбағалга нафингиз тегсин. Ўғлимнинг ёш умри турмада чиримасин! Қария худди биров кутиб тургандек, шоша-пиша ҳикоясини тугатиб, ўзига ярашмаган ҳаракат билан таъзим бажо келтирди. Одилбек «меҳмон»нинг дард-ҳасратини бир туки қилт этмасдан эшитди. Қариянинг ялиниб-ёлворишлари унга заррача таъсир қилмагандек кўринарди.

-Демак, ўғлингизни ноҳақ қамашган, шундайми? -Ноҳақ-да, ноҳақ,-бирдан жонланди қария.-Айтдим-ку, Қўзивойгинам ҳалол йигит. Падар лаънати раис ўзи берган садақаси билан ўғлимни муттаҳам қилиб ўтирибди. -Хўш, сиз айтганча ҳам бўлсин. Лекин бунақа томошадан раиснинг мақсади нима? Битта ширкатнинг бошини еб ётган одамга сизнинг ўғлингизни қаматиш зарур келибдими? Қария бир зум каловланиб туриб колди. Кўзлари умидворлик ила мўлтиради: -Ҳалиги... Ўғлим кўпроқ пул топиш учун жўралари билан Россияга кетмоқчи бўлиб юрувди. Раисдан изн сўраган экан, рухсат бермабди. Сувтекин хизматкордан ким ҳам воз кечарди? Бурнидан ип ўтказиб олиш учун шу йўлни топган у туллак. Ўзингиз бир ёрдам қилинг, қози бува?

Бу гаплар адвокат Одилбекни қаноатлантирмади. Лабининг четини тишлаб, бош чайқади. -Биринчидан, мен қози эмас, адвокатман. Иккинчидан, биздаям бола-чақа бор. Қуруқ раҳматга ишламаймиз. Адвокатлик бюроси ҳисобига белгиланган миқдорда пул ўтказасиз. Кейин ўзимга ҳам атаганингизни берасиз. Шунга кучингиз етадим-йўқми? -Етади,-деди қария шошқалоқлик билан.-Етса молим, етмаса жоним. Барака топинг, қози... адвокат бува. Рози қиламан. Ўғлим жувонмарг бўлиб кетмасин. Энди йигирма учга кирди. Раиснинг дағдағасига қараганда, камида ўн йил ўтириб чиқармиш. Одилбек учун энди баъзи нарсалар ойдинлашгандай эди. Оддий ўғрилиқ учун «камида ўн йил» кўплик қилади. Чолнинг гапига қараганда, «ўғирланган» дея гумон қилинаётган кийим-кечакларнинг ҳаммасини раиснинг ўзи совға қилган. Демак, бу ерда бошқа гап бор. -Кийимларни раиснинг ўзи совға қилганини қандай исботлайсиз? -Исботлайман. Уч-турт кун илгари Бўривой ўша кийимларни кийиб, шаҳардаги

аммасиникига тўйга борганди. Ўғлимни шу кийимда кўрган ўнта, керак бўлса юзта гувоҳ топиб келишим мумкин.

Қария қатъий ишонч билан гапирарди. Демак, ўша кийимларни Бўривой ўғирламагани рост. Раис эса қамоқ билан кўрқитиб, улардан бошқа бир нимани талаб қилаётган бўлиши мумкин. Бу ишга аралашиб фойдадан холи бўлмаслигини англаган Одилбек розилик аломати сифатида бош силкитди:

-Хўш, кассага тўлашга пулингиз борми? Менга атаганингизни кейинроқ ҳам бераверасиз. Нотаниш меҳмон адвокат қабулидан етти букилиб таъзим қилганча чиқиб кетди. Негадир Одилбекнинг кайфияти ўз-ўзидан кўтарила бошлаганди. Чунки бу ишдан яхшигина ўлжанинг ҳиди келиб турибди. Раис ва манави шўртумшук одамнинг оиласи ўртасида каттароқ бир гап ўтганки, оёғи куйган товукдай типирчилаб қолган. Чол ниманидир жон-жаҳди билан беркитишга ҳаракат қилди. Лекин Одилбек бу сирнинг тагига етишга қатъий бел боғлаган эди.

Шу куниёқ туман милиция идорасига ўтиб, бошлиққа янги очилган иш юзасидан айбланувчининг ҳимоячиси бўлиб ёлланганлигини маълум қилди. Ишга доир ҳужжатлар билан атрофлича танишгач, дилидаги шубҳалар ҳақиқат томон бир неча қадам яқинлашди. Етарлича тушунча ҳосил қилиб бўлгач, эҳтиёт чораси сифатида ҳибсда ушлаб турилган айбланувчи билан кўришишга рухсат олди.

«Айбланувчи» деганлари отасининг йигирма беш-ўттиз йилги аввалги кўринишини ёдга солувчи, чағир кўзлари хиёл ичига ботган, сочлари бир томонга таралган, совуққина йигит экан. Отасидан фарқли ўлароқ унчалик кўп гапирмас, ҳар битта гапини ҳам минг марта чайнаб, кейин тилига кўчирадиганлар тоифасидан экан. Ҳар қалай унинг отасидан эшитган, ҳужжатларда танишиб чиққанларидан бошқа янгироқ гап ололмади. Ўша куни раиснинг уйидаги майда-чуйда ишларни саранжомлаб уйига қайтган. Орадан бир соат ўтар-ўтмас, «раис бува» учта милиция билан келиб, ҳамма ёқнинг тит-питини чиқариб, Бўривойни олиб кетишган.

Бўривой ҳадеб бир гапни тўтидек такрорларди:

-Қози бува, мен ҳеч нима ўғирлаганим йўқ. Ўша савил кийим-бошларни уч-тўрт кун бурун раис буванинг ўзлари совға қилганлар. Кейин эса мени ўғрига чиқариб ўтирибдилар. Шуям инсофданми, қози бува?

Ота-боланинг тупроғини бир жойдан олганми нима бало, бири олиб, бири қўйиб, «қози бува» дейишини қўймайди.

-Авваламбор, айтиб қўяй. Мен ҳеч қанақа қози-пози эмасман. Иккинчидан, мен сенинг ҳимоячингман. Сени терговдаям, суддаям ҳимоя қилганим учун пул оламан. Шунинг учун мендан бирор нимани яширма. Ўзингга жабр бўлади. Менга қара, кеча раиснинг уйида сендан бўлак ҳеч ким бўлмагани ростми?

Бўривой бир оз ўйланиб турди.

-Мендан бўлак... ҳеч ким йўғиди.

-Бироқ раиснинг хонасидаги жавон эшиги ясама калит билан очилгани рост. Қолаверса, жавондан сенинг бармоқ изларинг ҳам топилган.

Бўривойнинг кўзлари негадир ола-кула бўлиб кетди.

-Менинг ҳеч қанақа айбим йўқ Жавоннинг чангини артганимда теккан бўлиши мумкин. Ахир ўша кийим-бошларни раис бувамнинг ўзлари совға қилганлар. Бу кийимларни кийиб, шаҳарга тўйга борганман. Сизга қанча гувоҳ керак.

-Кўпам ҳовлиқаверма,-совуқ ва босиқ оҳангда йигитнинг гапини бўлди. Одилбек.-Сенга қайтариб айтяпман. Мен сени ҳар қандай вазиятда оқлашим керак. Бу фақат сен учун эмас, ўзим учун ҳам жуда муҳим. Гапга қулоқ сол. Мен ҳақиқатни тўла-тўқис билмагунимча ютиб чиқолмайман. Агар мендан бор гапни яширмай айтсанг, сени икки кунда бу ердан олиб чиқиб кетаман. Акс холда, уч-тўрт йил ўтириб чиқишингга тўғри келади.

Бўривой «ялт» этиб адвокатга юзланди. Унинг қарашларида ҳайрат ва аллақандай ишончсизлик акс этарди.

-Биламан, кийимларни сен ўғирламагансан. Чунки биринчидан, одми кийим-кечак кулф-калитли жавонда сақланмайди. Иккинчидан, раис деган номи бор одам арзимаган латта-путта учун милицияга югурмайди. Учинчидан, фақат ақлсиз одамлар жонини хатарга қўйиб, шу арзимаган нарсаларни ўғирлаши мумкин. Сен эса унчалик аҳмоққа ўхшамайсан.

Бўривой бу истехзони ўзича мақтов тарзида тушуниб, қувонди ва илжайиб қўйди. -Бу кийим-бошни раиснинг ўзи совға қилганлигига ишондим ҳам дейлик. Лекин жавонни очганинг рост. У ердан раиснинг катта миқдордаги пулини ўмариб чиққансан, тўғрими? Бўривой энди тўрга тушган балиқдай типирчилаб қолган, адвокат у шу пайтгача таниб келган ҳақиқатни тан олишга мажбур қилганди. Бўривойни шайтон йўлдан ургани рост. Ҳозир айти йиғим-терим мавсуми. Бундай пайтда деҳқоннинг уйи буғдойга, раиснинг уйи пулга тўлади. Албатта, бу мавсумда хўжаликнинг умумий даромадидан олинган соф фойдаси ҳақида оғиз тўлдириб гапирилади. Аммо хўжалик «катта»ларининг даромади таомилга кўра, сирлигича қолиб кетаверади. Шу куни раис кўчадан хурсанд қиёфада қайтди. Машинасининг юкхонасидан оғир картон кутини олиб, Бўривойга тутқазди. -Орқамдан юр.

Кутининг оғзи хиёл очик тургани учун у ердаги беш юзталик, мингталик пуллар ғира-шира кўзга ташланиб турарди. Пуллар ҳамишагидек раиснинг ётоғида турадиган мустаҳкам жавонга жойланди. Жавоннинг учта калити бўлиб, биттаси ҳамиша раиснинг ёнида юрарди. Қолган иккитаси шу хонада гиламнинг тагида турарди. Шу йил ёзда ётоқхонани тозалаш пайтида ўша калитларга кўзи тушган. Ишқилиб, у ердан олиб қўйишмаган бўлишсин. Бўривой қатъий қарорга келганди. Аниқ билардики, жавондаги пуллар йўқлигини билган раис ҳеч кимга арзи ҳол қилмайди. Милицияга берадиган бўлса, бунча пулнинг қаердан келгани билан қизиқишади. Алал оқибат раиснинг анча-мунча сирлари ошкор бўлади, ҳам пулдан айрилиши мумкин ҳам... Хуллас, дарди ичида қолаверади... Ўшанда иши ўз-ўзидан юришди. Раис шоша-пиша машинасига ўтириб, идорага қараб кетди. Келинойиси (Бўривойнинг ўзидан бир ёш кичкина бу аёлни келинойи дейишга ҳам тили бормасди) «гап айтгани» қўшниникига чиқиб кетган. Бундан-да қулайроқ фурсат бошқа қайтарилмаслиги мумкин. Ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандай битди. Калит ҳам жойида экан. Бўривой бир кути пулни уйига олиб борганида отаси Арслон аканинг кўзи чиққудай бўлди:

-Бунча пулни қаердан олдинг? Бўривой кўрсаткич бармоғини лабига босди.

-Бу пулни ҳеч ким тополмайдиган жойга беркитинг. Сиз ҳеч нарсани кўрганингиз йўқ. Нима бўлганда ҳам, бу пул ҳақида оғиз очманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Аввалига Арслон ака қўрқувга тушиб қолди. Лекин энди орқага йўл йўқ эди. Сал эҳтиётсизлик қилса ўғлидан ҳам, пулдан ҳам айрилиши мумкин. Аввалига раис ўзи, Бўривой ҳеч нарсани бўйнига олмагач эса учта миршабни эргаштириб келди. Пул ҳақида гап-сўз бўлгани йўқ. Кийим-бошни баҳона қилишиб, Бўривойни маҳкамага олиб кетишди. Лекин раис кечкурун ўзи келиб, Арслонқулни қистовга олди. «Пулни қайтариб берсаларинг, ўғлингни шу бугуноқ қўйворишади. Акс ҳолда, ўн йил «ўтириб» чиқади», дея дағдаға қилди. Хуллас, воқеанинг қолган қисми Одилбекка маълум эди.

Тахмин ва воқелик ўртасидаги тафовут оз эди. Одилбек айти дақиқаларда ўз иқтидори, ақл-заковатига ич-ичидан таҳсин ўқимокда эди. Энди бундан бу ёғига ҳам эҳтиёт бўлса, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади.

-Раиснинг хотини неча ёшда дединг?-сўради Одилбек айбланувчининг ҳикоясини диққат билан тинглагач.

-Шу биз тенги. Биздан бир-икки ёш кичкина. Раис буванинг аввалги хотинлари қазо қилгач, ҳозиргисига уйланганлар. Аввалги турмуши бузилиб, ота уйига қайтгандан сўнг,

тўрт ой ичида никоҳлаб олдилар.
 Адвокат йигитнинг совуқ башарасига бир оз қараб турди.
 -Раиснинг хотини чиройлими ёки бир оз ҳалигиндака?
 Бўривойнинг юзига бир оз табассум югуриб, лабининг бир тарафи қийшайди. Аммо масаланинг жиддий эканлигини ўйлаб, лаб-лунжини йиғиштирди.
 -Ҳа, чиройли аёл. Фақат... раис бувани тирноқдан қисган экан. Уч марта уйланган бўлсалар ҳам фарзанд кўрмадилар.
 Адвокат қониқиш билан бош ирғаб, кейинги терговда нималар дейиши кераклигини қулоғига қуйиб, ўзи тўғри терговчининг қабулига кирди. Бахтига Бўривойнинг иши билан шуғулланаётган ёшгина терговчи унинг эски танишларидан бўлиб чиқди. Салом-алиқдан кейин мақсадга ўтди.
 -Ўртоқ лейтенат, болани бекордан-бекорга ушлаб ўтирибсиз. Унинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Менимча, бунақа майда-чуйда иш бош қотиришга арзимайди. Айбланувчининг отаси туманда донғи кетган адвокатни ишга жалб этгани терговчига маъқул келмаган, бу лейтенантнинг кўзларидан ҳам кўриниб турарди:
 -Нега энди, айбдорлиги юз-кўзидан кўриниб турибди-ку! Далил-исбот билан қамоққа олинган бўлса!
 -«Ўғирланган моллар» раис ўйлаб топган баҳона холос. Ўзингиз ўйлаб кўринг, унчалик қиммат бўлмаган спортивка билан иккита эски кўйлақни раис қулфда сақлар эканми? Мантиқан мулоҳаза юритиб кўринг, лейтенант. Далада иш қизиб турган пайтда раис шу арзимаган увадаларни деб елиб-югуриб юрмайди. Раис югурдагини қамашдан ҳеч қандай манфаатдор ҳам эмас. У шунчаки кўрқитиб қўймоқчи, холос. Ҳойнаҳой, сизга ҳам ишнинг унчалик жиддий эмаслигини, дарров судга оширмасликни тайинлаган бўлиши мумкин. Яширмасдан борини айтаверинг.
 Ўта моҳир адвокат олдида терговчининг ҳали ёш ва тажрибасизлиги панд берди. Адвокат унинг кўзларига қараб, бор ҳақиқатни уқиб олаётгандай эди. Чунки раис бу ишда шошилмасликни тайинлаган эди. Шу сабабли бош ирғаб осонгина иқрор бўла қолди.
 -Айтдим-ку, раис Бўривойга кимлигини кўрсатиб қўймоқчи. Мен ҳозир айбланувчи билан гаплашдим. Унинг кўнглига қўл солиб кўрдим. Чамаси, у билан раиснинг хотини орасида нимадир борга ўхшайди. Бир-икки марта хотини у билан ҳиринглашиб турганини кўрган. Охирги марта... раис уларни қўлга туширганга ўхшайди. Терговчи ҳайратдан бўзрайиб қолди:
 -Йўғ-е. Нималар деяпсиз? Дастлабки сўроқ пайтида умуман бунақанги гапларни айтмаганди-ку!
 -Биласиз, бунақа масала-да эркак киши ҳам анча тортинчоқ бўлиб қолади. Қолган ишни бўйнига олишга ийманади. Бундан кўра жиноий жавобгарликни афзал билади.
 -Буни ҳам исботлаш керак, Одилбек ака!
 -Бемалол,-курси суянчиғига ястанганча қўлини икки ёнга ёйди адвокат.-Ҳар қалай, раис бува хотинчасини гувоҳ сифатида ёнингизга бошлаб келмаса керак. Ахир раис деган номи бор. Овоза бўлишдан кўрқади. Мана кўрасиз, бу гапни унга етказишингиз билан раис ишни тўхтатишни талаб қилади. Аризани қайтиб беришингизни сўрайди.
 -Хўш, хўш,-терговчи қизиқиш билан Одилбекнинг оғзига тикилди.-Кейин-чи, нима қилиш керак?
 «Ростдан талмовсираяптими ё одамнинг устидан қулмоқчими бу тирмизак?...».
 -Нима кейин? Ишни судга ошираман, ҳамма ҳужжатлар тайёр деб туриб оласиз. Бу ёғини кейин кўраверамиз, лейтенант. Ҳам аризасини қайтариб олади, ҳам сиз бир нималик бўласиз. Ҳар қалай сиз ҳам дарров кўна қолмайсиз-да!
 Адвокат одатига ҳилоф равишда мулоим қулимсираб кўз қисиб қўйди. Одилбек тўғри йўлдан бораётганига шубҳа қилмаса-да, иш бунчалик осон кечишини у ўйламаганди. Кечга яқин телевизор кўриб ўтирганида эшиги тақиллади. Дарвоза олдида яп-янги «Нексия» эшигига суянганча қориндор, барваста киши турарди. Унинг жабрланувчи раис эканига ишонган Одилбек қутилмаган меҳмонни очик чехра билан

қарши

олди:

-Келинг, раис бува, қандай шамоллар учирди? Қани уйга марҳамат.
-Йўқ, ука, шошиб турибман,-деди раис паст, аммо нечундир таҳдидли оҳангда.-Икки оғиз гап бор. Машинада гаплаша қоламиз.

-Майли,-адвокат хотиржамлик билан олд ўриндиққа ўрнашиб эшикни ёпди:

-Ўв, ука, бировнинг покиза хотинига туҳмат қилишга қандай ҳаддингиз сиғди? Нега бу шилта ишга менинг хотинимни аралаштирасиз? Мен унга ўзимга ишонгандек ишонаман. Бирор марта ножўя хатти-ҳаракатини сезмаганман. Анави ялангоёқ ўғриваччани деб бир покдомон аёлнинг номига доғ туширмоқчимисиз?

-Авваламбор, раис бува, сал ўзингизни босиб олинг. Мен ҳали ҳеч кимга ҳеч қанақа туҳмат қилганим йўқ. Ҳимоям остидаги одамнинг гапини терговчига етказдим холос. Ҳеч ким ҳали хотинингизни хиёнаткор дегани йўқ. Шу боис ўзим хотинингиз билан гаплашмоқчи эдим. Ҳали тергов тугагани йўқ. Олдинда суд турибди. Шунда ҳамма ҳақиқат ойдинлашади. Ким туҳматчи-ю, ким ҳақгўй эканлиги аниқ бўлади қўяди.

-Ҳеч қанақа суд-пуд бўлмайди. Керак бўлса ўзингизни судга бераман. Бировнинг хотинини ҳақорат қилиш, туҳмат қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, сизга!

-Асабийлашманг,-овозини бир парда кўтарди Одилбек.-Аслида мен сизни судга беришим керак. Биринчидан, одамга дағдаға қилиб, уни таҳқирлаяпсиз. Иккинчидан, бир бегуноҳ йигитни ноҳақ ўғрилиқда айблаб, уни қаматмоқчи бўлдингиз. Чунки унинг уйидан топилган либослар ўғирланмаган эканлигини ҳамма билади. Сиз аризангизда ўғрилиқ кун кеча содир бўлди, деб ёзгансиз. Ҳолбуки, Бўрибой ўша кийимлар билан тўрт-беш кун аввал тўйга борган. «Раис бувам менга марҳамат кўрсатиб, шу кийимларни олиб бердилар», дея мақтанган, бечора. Уни мана шундай шармандалиқ усулида тузоққа илинтиришингизни шўрлик қаердан билсин?.. Майли, сиз хуноб бўлманг. Мен адолат йўлида бошимни тикканман. Агар айб менда бўлса, ўзим бошим билан жавоб беришга тайёрман.

Суд

бўлаверсин-чи?

-Айтдим-ку, суд бўлмайди деб! Мен аризамни қайтариб олдим.

-А-а! Демак, қўрқибсиз-да! Муттаҳамлик йўли билан ҳеч нарсага эришолмаслигингизни тушунибсиз-да! Шундоқ экан нега менга...

-Гапга кулоқ солинг,-дея кутилмаганда раис ҳовуридан тушиб, Одилбекнинг елкасига қўлини қўйди.-Бу нонқўр бола мени қонимга ташна қилиб юборди. Кийим-бошни ўғирлагани рост. Аммо... очиги, жавонда бировнинг озроқ йўқ, оз эмас, нақд саккиз ярим миллион сўм омонати бор эди, ўзингиз тушунасиз. Бунақа пул ҳақида милицияга оғиз очсангиз ўз-ўзидан майда-чуйда гаплар кўпаяди. «Бу пул кимники?», «Қаердан олинган?», «Эгаси нега сенга бериб қўйган». Шунақа гапларга йўл қўймаслик учун мен аҳмоқ бу пулни боланинг елкасига ўша ўзим совға қилган кийимларни илиб ўтирибман. Бир-икки марта отасининг ёнига ҳам бордим. Қимтинмайди, номард. Икковиям қаллоблиқда бир-биридан ошишади. Энди шу ифлослар ўртага менинг хотинимни қўйиб, менинг йўлимни боғламоқчи бўлишяпти. Энди сизни укам деб дилимдагини айтдим. Бир бало қилиб, пулни ўзингиз менга олиб беринг. Хурсанд қиламан ҳали! Йўқ, деманг, жон ука!

Одилбек елка қисиб, яна қўлларини ёйди.

-Қизиқ одам экансиз? Бир қараса, судга бераман, деб қўрқитасиз. Бир қараса, ғайритабиий талаблар билан одамнинг бошини қотирасиз. Мен ўз ишимни бажаряпман. Ишим эса, ҳар қандай вазиятда менга ўз тақдирини ишониб топширган одамни ҳимоя қилиш. Сиз унинг кийим-бош ўғирлаганини ёзгансиз. У ерда ҳеч қанақа пул тўғрисида ёзилмаган. Мен айбланувчига қўйилган айбнинг асоссиз эканини исботлаб бераман ва бу менинг қўлимдан келади. Табиийки, бунинг эвазига пул оламан. Икки ёқлама ўйин адвокатлик шаънига тўғри келмайди. Икки кемага оёқ қўйиб, ғарқ бўлишни истамайман,-Одилбек гапининг таъсир кучини синаб кўриш учун раиснинг юз-кўзларига бирров назар солди.-Саккиз миллионми, юз миллионми, сизнинг пулингиз мени заррача қизиқтирмайди. Чунки сиз мен тарафдамассиз, менинг рақибимсиз, десаям бўлаверади. Йўқолган пулларни қай

йўл билан топган бўлсангиз ўша йўл билан билан ўрнини тўлдираверасиз. Мабодо, бундан бошқа бирор ишда сизга адвокат керак бўлиб қолса, бажонидил хизматингизда бўламан. Ҳозир эса... Маъзур тутасиз. Ҳа, айтганча, аризангизни қайтариб олган бўлсангиз, Бўривойни ҳам, отасини ҳам тинч қўйганингиз маъкул. Ҳаққини қўймайдиган жанжалкаш одамларга ўхшашади. Бошингиз балога қолиб юрмасин. Одилбек машинадан тушиши билан раис «Нексия»сини жаҳл билан юргизиб кетди. Икки кундан кейин Бўривой ҳам уйига қайтиб келди. Ота-бола келишувга кўра Одилбекка «оғзига сикқанини» беришди. Ўша кундан ота-боланинг ҳам, терговчининг ҳам, адвокатнинг ҳам кўнгли тўлди. Раис эса....

Рустам Жабборов

Сурат

-Қурбоновни нима сабабдан ўлдирдингиз?-терговчи саволини учинчи маротаба қайтарди. Унинг қаршисида ўтирган, ёши ўттизга бормаган бўлса-да, сочларига оқ оралай бошлаган, миқти гавдали айбланувчи гўё савол бошқа бировга қаратилгандек, бир нуқтага хаёлчан тикилиб турарди. Кейин эса, худди ўзига ўзи гапираётгандек сокин ва ҳиссиз товушда гап бошлади:

-Ўлдиргим келди-ўлдирдим. Нима аҳамияти бор? Факт шуки, қотиллик юз берган. Ким ўлдиргани маълум. Гувоҳлар ҳам бор. Ҳеч қандай шубҳа-гумонга ўрин йўқ. Нима қиласиз ўзингизни ҳам, мени ҳам қийнаб? Қамайсизми, отасизми, билганингизни қилавермайсизми? Ўз айбимга иқдор бўлиб турибман-ку! Сизга яна нима керак? Терговчи лабларини қимтиб бош чайқади. Бундай вазиятга биринчи бор дуч келиб туриши эди. Одатда ҳар қандай айбланувчи зўр бериб ўзини оқлашга, айбини яширишга, бегуноҳ ва чорасиз кўринишга интилади. Бу эса гўё етти ёт бегона одамнинг тақдири ҳал бўлаётгандек парвойифалак. Гаплари ҳам айбланувчининг эмас, ҳукм ўқиётган судьяникидай.

Аниқ-тиниқ, бурро...

Унинг ўрнида бошқа терговчи бўлганда-ку, ортиқча бош қотириб ўтирмаган, ишни шартта ёпиб, бу ташвишдан қутулган бўларди. Унга эса, айбланувчининг ўта лоқайдлиги ҳеч тинчлик бермайди.

Ахир, инсон бекордан-бекорга бошқа бир инсоннинг ҳаётига қасд қилиши мумкинми? Оддийгина бош қашлаш учун ҳам нимадир сабаб керак. Наҳотки, ҳеч бир сабабсиз тирик жонни ўлиққа айлантириш мумкин? Манави шўртумшук эса, шунчаки ўлдиргиси келгани учун...

Йўқ, ниманидир яширяпти.

-Наҳотки ўз айбингизни жиндеккина бўлсаям енгиллаштиришни истамасангиз, камида йигирма йиллик қамоқ жазоси нақ бўйнингизга илиниб турибди. Қолаверса, бизнинг соҳада жиноят мотиви деган атама бор. Ҳеч бир жиноят шунчаки кўнгилхушлик учун қилинмайди.

-Майли, менинг қилмишим шунчаки кўнгилхушлик юзасидан содир этилган биринчи жиноят сифатида тарихда қола қолсин. Лекин, ишонинг, уни ўлдиришимнинг бирор жиддий сабаби йўқ. Агар шусиз ишингиз битмаса, ўзингиз истаганча «мотив» тўқиб, протоколингизга киритиб қўя қолинг.

Терговчи кутилмаганда тутақиб кетди.

-Вей, мен сиз билан сичқон-мушук ўйнамоқчи эмасман. Қарда эканингизни, ким билан гаплашаётганингизни унутманг. Охирги марта сўраяпман, Қурбоновни нима учун ўлдирдингиз?

-Неча марта айтишим керак, ўртоқ терговчи? Ўлдиргим келди, қонсираб кетувдим. Уни бўлмаса бошқа бировни, масалан, сизни ҳам ўлдирган бўлардим. Терговчи айбланувчининг юзига зимдан разм солди: йўқ, юзларида ғзаб аломатлари кўринмайди, савдойилик белгилари ҳам йўқ. Одам ўлдиришни ўзига касб қилиб олган

маньякларга-ку, умуман ўхшамайди. Агар шундай бўлганида, нуфузли бир тахририятда беш-олти йиллаб ишламаган бўларди. Унинг бирор ножўя ҳаракатини сезиб қолишганида, дарҳол ишдан ҳайдашарди. Ҳамкасблари уни «Кўй оғзидан чўп олмасди, чумолига ҳам озор бермасди», дея тавсифлашди. Онаси ҳам шу фикрда. Дарвоқе... -Менга қаранг, оғайни,-дафъатан дўстона оҳангда гапиришга ўтди терговчи.-Ўзингизга барибир экан, лоақал онангизни ўйланг. Сизни ўстириб вояга етказгунча озмунча азият чекмагандир?

Айбланувчи юзига совуқ сув сачрагандек сесканиб кетди. Аммо, бир неча сонияда юзига аввалги лоқайдлик ва ҳиссизлик ифодаси қайтди. -Сиз онамнинг ғамини емай қўя қолинг,-деди боягидек сокин ва хотиржам овозда.-Шу пайтга қадар онамга айтирли нафим теккани йўқ. Яхшиямки, мендан бошқа болалариям бор. Кейин, мен уларни ўйлай-ўйламай, барибир сиз мени «Бор, озодсан», деб чиқарвормайсиз. Шундай экан, ишни чўзишнинг нима кераги бор? Чиндан ҳам тортишувдан бирор иш чиқиши даргумон эди. Эшик оғзида пойлаб турган икки нафар соқчига имо қилиши билан, айбланувчини опчиқиб кетишди.

Терговчи йигит айбланувчи яшаб келган манзил сари бораркан, турфа хаёллар миясида гужғон ўйнард.

«Намунча сурбет, без бўлмаса бу одам? Ёки ижодкорларнинг ҳаммаси шунақа бўлармикин?». Гарчи бу тоифа одамлардан таниши бўлмаса-да, бунақалар камсуқум, беозор, хийла хаёлпараст, дарвиштабиат бўлишини эшитганди. Аммо, улар орасидан биров қотилликка қўл уриши мумкинлигини тасаввурига сиғдирилмасди. Кўринишидан анави айбланувчини ҳам қўлидан ёмонлик келадиган одамга ўхшатиш қийин. Лекин, унинг қотиллик қилгани айти ҳақиқат. Ҳамма далиллар ҳам, гувоҳлар ҳам. Унинг ўзи ҳам тасдиқлаб турибди. Воқеанинг ҳозиргача маълум бўлган қисқача тафсилоти шундай. Айбланувчи (у пайтда ҳали айбланувчи эмасди) ишхонага келганида марҳум (у пайт марҳум ҳам эмасди) ҳеч гапдан беҳабар ўз иши билан шуғулланиб ўтирган. Бўлажак қотил бўлажак мақтулнинг юзига бир муддат тикилиб турган-да (буни айбланувчининг ўзи айтди), бор кучини тўплаб, иягининг шундоққина тагига мушт туширган. Бир пайтлар каратэ билан шуғулланиб, қора белбоққача борган қотил айнан бу зарба ўлимга олиб келишини яхши билган. «Агар биринчи зарбада ўлмаганида, яна бир мушт туширардим», деб ўзи айтди. Демак, айбланувчининг нияти ўлдириш бўлган, марҳум қасддан ўлдирилган. Аммо, нима сабабдан? Нима сабабдан айбланувчи қасд боисини яширяпти? Мана шу савол икки кундирки терговчига тинчлик бермайди. Айбланувчи айтганидек, сабаб ойдинлашгани билан, унинг зиммасидан гуноҳ соқит бўлмаса-да, бу сирнинг тагига етиши лозим. Бу унинг ҳам касбий бурчи, ҳам қизиқишлар тақозоси. Мана, қидирган манзилига ҳам етиб келди. Эшикни кеча ўзи сўроқ қилган одмигина кийинган эллик ёшлардаги аёл очди. Терговчини хушламайгина ичкарига таклиф қилди. Уйқусизликданми, йиғиданми, аёлнинг кўзлари қизарган, қовоқлари салқиб турарди. Терговчи мўъжазгина хонанинг ўта одми жиҳозларига бир қур кўз югуртириб чикди. Эътиборни тортгулик ҳеч нарса йўқ. Деворга чамаси, йигирма йиллар аввал ёпиштирилган гулқоғозлар ҳам асл рангини йўқота бошлабди. -Бу уйда ўғлингиз бир ўзи яшармиди?-сўради йигит ғичирлаб қолган стулга омонатгина илинарган.

-Ўғлимиз «Шаҳарда қоламан», дегани учун уч-тўрт йил илгари қарз-ҳавола қилиб бўлсаям, шу уйни олиб бергандик. Болалигидан одамови бўп ўсганди. Ёлғизликни ёқтирарди. «Бирорта жўранг билан билла тургин, ҳамроҳ бўлади», десак ҳам қўнмасди.-Аёлнинг кейинги гаплари йиғисига қоришиб кетди.-Ақалли хўроз сўйиш ҳам қўлидан келмасди боламнинг. Билмадим, нима жин урдийкин. Пешонамизда шу кунлар ҳам бор экан... Айтинг, боламни энди отишадими? -Холажон, бизда ўлим жазоси бекор қилинган,-деди терговчи хайрихоҳ оҳангда.-Лекин,

Ўғлингиз негадир ўзини оқлашга уринмаяпти. Унинг учун қандай жазо берилиши барибирга ўхшайди.

Ҳозиргача ўзининг кўз ёшидан ийманиб турган аёл энди баралла хўнграшга тушди. Терговчи аёл хийла ўзини босиб олгунча кутиб турди. Кейин чўнтагидан мархумнинг суратини чиқариб унга узатди:

-Ўғлингиз ўлдирган йигит мана шу,-деди.- Танийсизми? Аёл суратга диққат билан тикилиб турди. Кейин қатъий бош чайқади: -Бир-иккита курсдошини танирдим. Уйимизга борганди. Лекин буни кўрмаганман.- Суратга бир муддат аянчли қиёфада тикилиб тургач, терговчига қайтариб берди. Терговчи ўрнидан туриб, яна торгина хонани айлана бошлади.

-Уй бир хоналими? -Йўқ, нарёғда яна битта хона бор. Ўғлим ёзув-чизув ишларини ўша ерда ўтириб қиларди. Терговчи саволни худди шу жавобни олиш учун бергани боис қониқиш билан бош ирғади.

-Кириб кўрсам бўладими? Аёл рўмоли учи билан намланган кўзларини артаркан, терговчига қаради: -Ўғлим бу хонани қулфлаб кетган экан. Калитини тополмадим. Ўзи... негадир бу уйга бошқалар киришини ёқтирмасди.

-Нега?-ажабланди терговчи.

Аёл ердан кўз узмай, елка қисди. -Холажон, ўғлингиз биздан ниманидир қаттиқ яширяпти. Биз шубҳали туюлган ҳамма нарсани яхшилаб ўрганишимиз керак. Шунинг учун эшикни бузиб бўлсаям кириб, текширишим шарт. Балки ўғлингизни оқлаш учун бирор асос топилиб қолар.

-Нима қилсангиз-қилинг,-деди аёл яна кўз ёшларини тиёлмай.-Фақат боламни қамаманг. Унинг қўлидан одам ўлдириш келмайди... ...Кўшни хона аввалгисидан бир оз чоғроқ бўлса-да, куёшга қарагани учунми, кенгдек туюларкан. Хонанинг бир деворини тўлиқ китоб жавони эгаллаган. Деразага тақалган ёзув столида китоб, дафтар ва қоғозлар тартиб билан терилган эди. Терговчи бир муддат китоблар терилган жавонни кўздан кечириб чиқди. Бу китобларнинг кўпчилигини ўқиш тугул, номини ҳам эшитмаганди. Мактабда ўқитувчилари «Китоб инсонни фақат яхшиликка бошлайди, китоб ўқиган одам ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди», дейишарди. Мана шу китобларни тўплаган, ўқиб чиққан одам наҳот қотилликка қўл урган бўлса?... Терговчи деразага тақалган ёзув столи қаршисида бир зум тек туриб қолди. «Балки айбланувчи ҳеч кимга айтишни лозим кўрмаган сирни қоғозга тушириб қўйгандир? Кимдир «Ёзувчилар, шоирлар дардларини бошқаларга эмас, қоғозга тўкишни афзал биладилар», деб айтганди». Шу ўй унинг нимқоронғи хаёллари қатига шуъла ташлагандек бўлди. Шоша-пиша ўтириб, стол устидаги қоғозларга қўл чўзди. Ҳар хил муаллифларга тегишли қўлёзмалар. Чамаси, айбланувчи уларни таҳрир қилиш учун уйига олиб келган кўринади.

Кейин дафтарлар устидаги китобни қўлига олди. «Чолиқуши». Муқова устидаги чеҳра ҳам унга таниш туюлди. Ҳа, эслади. Анча йил илгари киносини кўрганди. Бош ролда худди шу қиз ўйнаган. Туркларники эди, шекилли. Негадир китобни варақлаб ҳам ўтирмай, унинг остида турган дафтарларни олдига сурди. Биттасида турли пайтларда ёзилган шеърлар... Бир-иккитасини шунчаки қизиқиш юзасидан ўқиб ҳам кўрди. «Чаккимас», ўйлади ўзича. Кейин навбатдаги дафтарни қўлига олди. Дафтар янги экани, яқинда тутилгани кўриниб турар, унинг атиги бир неча саҳифасигина битиклар билан тўла эди. Унинг нигоҳлари дастлабки сатрлар устида югуриши билан хаёл қатларидаги мавҳумот аста-секин таркала бошлади.

«...Кадрлар бўлими бошлиғидан хонамга янги ходим келиб жойлашишини эшитиб, дафъатан таъбим хира тортганди. Сизни билмадим-у, одамовилик менга кўндокда теккан касаллик. Ҳар ким билан чиқишиб кетолмайман. Айниқса, янги танишларни жиним суймайди. Буни янги ҳамхонам келган кунӣёқ сезган бўлса ажабмас.

Ўзимдан чамаси уч-тўрт ёш кичик, истараси иссиқ, хокисоргина йигитга нисбатан ўзимда недир бир илиқлик уйғона бошлаганини ҳис этдим. Ҳар куни ишга борганимда у мендан аввалроқ келиб хонани очган, бир нималарни ёзиб-чизиб ўтирган бўларди. Уйга қайтаётганимда ҳам янги шеригим хонада «илҳом париси» кучоғида танҳо ўзи қолади. Ҳамхонамнинг исми Улаш эканини икки кундан кейин билдим. Ўзидан сўраганим йўқ, бўлим бошлиғимиз исмини айтиб чақирганда эсимда қолди. Биз томонларда бунақа исм кам учрагани учунми, хотирамга дарҳол ўрнашди. «Ўхшатмасдан учратмас», деганларидек, Улаш билан ўхшаш томонларимиз кўп экан. Масалан, икковимиз ҳам ўзимизга алоқадор бўлмаган нарсаларга умуман қизиқмаймиз. Мен унинг шахсий ҳаёти, қаерда ўқигани, отаси қаерда ишлаши-ю, ҳозиргача нечта қизни «айлантиргани» ҳақида савол берганим йўқ. Унинг ўзи ҳам баъзи эзма йигитлардан фарқли ўлароқ, булар ҳақида гап очмади. Менга ҳам ортиқча саволлар бериб ғашимга тегмади. Балки ана шундай оғиркарвонлиги сабаб, дилимда сал аввалроқ уйғонган ғашлик эриб кетгандир. Хонамизда соатлаб сукунат ҳукм суради. Мен одатдагидек бўлимга келган хатлар билан бандман. Хонадошим эса матнларнинг корректураси билан шуғулланади. Дарвоқе, Улаш ҳам менга ўхшаб китоб жинниси экан. Айниқса, чет эл адабиётига ўлгудек қизиқаркан. Хуллас, табиатимиздаги ўхшаш жиҳатлар очилгани сари орадаги масофа ҳам қисқариб борарди. Айрим асарлар устида баҳсимиз қизиб кетганида хонага кимдир келиб қолса, каминанинг бу қадар «очиқ» кетганидан таажжубга тушарди. Гап орасида мингдан зиёд китобга эга бўлган шахсий кутубхонам борлигини қистириб ўтгандим. Бу эса ҳамсуҳбатимда уйимга бориш ва айтган гапларимга ишонч ҳосил қилиш истагини уйғотди. Албатта «йўқ» деёлмадим. Қолаверса, уйимда китоблардан бўлак мақташга арзигулик ҳеч вақо йўқ. Иккита тор хонадан иборат қароргоҳимнинг бир хонасини китоблар эгаллаган. Ёзиш-чизишни шу ерда қиламан. Кейин уйимга келган ҳар қандай одамни ҳам бу уйга киритавермайман. Бу ерга кирганларнинг кўпчилиги бир-иккита китоб қўлтиқлаб чиқади-да, кейин қорасини кўрсатмайди. Мен эса бундай «ношукр» меҳмонлардан анчагача хафа бўлиб юраман. Бу гапларни Улашга айтиб қўйганим учун ҳазиллашиб «Қўрқманг, кутубхонангизда мен ўқимаган бирорта китоб борлигига кўзим етмайди», деб қўйганди. Меҳмонни кутубхонамда ёлғиз қолдириб, ўзим чой қўйиш учун ошхонага ўтдим. Чойнакни сувга тўлдирдим-у, газни ёқишга улгурмадим. Ҳаёлимга мутлақо кутилмаганда урилган фикр бунга имкон бермади. Оёғимни қўлга олиб, кутубхонамга қайтиб кирганимда кеч бўлганди. Мен қўрққан ҳодиса юз берганди. Жон қадар азиз бўлган, ҳеч кимга раво кўрмаганим – бебаҳо китоб унинг қўлида турарди. Китобнинг аллақайси саҳифасига муҳрланган кўзларига боқиб, унинг мутолаага берилмаганини англадим.

-Бу... «Чолиқуши»... Рашод Нури...

Тилимдан учаётган бу сўзларнинг айна пайтда қанчалик ўринсизлигини ўйлашга қобил эмасдим. Аммо, бу мантиқсиз таъкид меҳмонимнинг паришон ҳаёлини жамлашга имкон берди. Унинг китобдан узилиб менга қаратилган нигоҳларидаги ифодани англаб ололмадим. Ҳайратми, кўрқувми, ҳаяжонми? ...Ҳикоянинг тугуни балки худди ана шу жойдан бошланар? Лекин воқеалар баёнини келган жойидан давом эттирсам, кўп нарсага аниқлик киритишнинг иложи бўлмайди. Шу боис «тугун»ни бир муддат четга суриб, анчайин орқага чекинишга тўғри келади. ...Бу воқеага беш-олти йилча бўлиб қолди. Қувваи ҳофизам панд бермаса, ўша пайтлар тўртинчи курсда ўқиётган бўлишим керак. Ўшанда дарс жадвалига «Туркий халқлар адабиёти» деган фан киритилган эди. Фанни унчалик ёмон кўрмасам-да, шу фандан сабоқ берадиган домла мени, мен эса домлани

ёқтирмас

эдик.

Маъруза бўладими, семинарми, домла билан тез-тез тортишиб қолардик. Домла билан мурса қилолмайдиган талабаларга эса ҳар доим қийин бўлиб келган. Семинар охирига бориб, ҳар бир талабага биттадан асар хусусида маъруза тайёрлаш топширилди. Менинг чекимга турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекиннинг «Чолиқуши» романи

тушди.

«Домла ҳар доим ҳақ» деган нақл қачон, ким томонидан айтилганини билмадим-у, лекин топиб айтилгани аниқ. Маърузани ҳар қанча пишиқ тайёрласам ҳам домла барибир қилдан қийиқ ахтариши аниқ. Шунинг учун ўта жиддий тайёргарлик кўришим керак эди. «Чолиқуши» зўр асар. Аммо, шу асосда суратга олинган фильмни бир-икки марта кўрганим учунми, уни ўқиб чиқишга унча ҳафсала қилмагандим. Бироқ кинодан олинган таассурот билан асар ҳақида мукамал тасаввур ҳосил қилиш қийин. Айниқса, «севимли» домлам

тепамда

қамчисини

қарсиллатиб

турганида.

Шу воқеадан икки йилча олдин «Чолиқуши» романи қайта нашр қилинган эди. Китоб дўконларида кўп бора кўзим тушган бўлса-да, нархи қимматлик қилиб, ололмаган эдим. Икки-уч кутубхонани ҳам изғидим. Каталогда китобнинг номи бору, ўзи йўқ. Ё кимдир ўқигани опкетган ё йўқолган. Бу ёқда берилган муҳлат ҳам тугаб борарди. Нима қилишни билолмай юрган кезларимда бир ошнам эски китоблар сотиладиган дўконнинг манзилини айтиб қолди. Чикмаган жондан умид қилиб, ўша жойни ҳам топиб бордим. Эҳ-хе, китоб керак бўлса, ўша ерга боринг экан. Ранг-баранг китобларни томоша қилаётиб, бу ерга нима мақсадда келганимни ҳам унутиб қўяёздим. Қани, пулинг бўлса-ю, бу нодир китоблардан истаганингча сотиб олсанг. Шу чок денгиз тубида узок изғиб, умидлари сўна бошлаган бир паллада марваридлар шодасига дуч келган ғаввосдек қувониб кетдим. Ана ўша китоб. Шундоққина пешонамда ярқираб

турибди.

Кувончимнинг

чеки

йўқ

эди.

Китобни авайлаб кўлимга олдим. Тавба, худди икки йил илгари нашрдан чиқарилган китобнинг ўзгинаси. Худди ҳозиргина босмахонадан чиққандек. Фақат муқовасига нафис сувқоғоздан жилд қопланган. Қизик, нега бу китоб бир-икки йилда букинист дўконига тушиб қолдийкин? Майли, ҳозир бунақа нарсаларни ўйлаб ўтирадиган пайт эмас. Энг муҳими, керакли китобни топдим. Тезда ётоқхонага қайтиб ишга киришмасам бўлмайди. Ҳали анув инжиқ домланинг оғзини бир очириб кўймасамми. Пулини ташлаб, кўчага отилдим. Хонага киришим билан кийим алмаштиришни ҳам орқага суриб, ўзимни каравотга отдим-да, китоб варақлашга тушдим. Шу чок... китоб орасидан кафтдеккина сурат аввал кўксимга, ундан сирғалиб полга тушди. Шоша-пиша суратни кўлимга олдим ва нигоҳларим рўбарўсида бўй кўрсатган гўзалликдан бир зум эсанкираб қолдим. Суратдаги қиз... Ҳар қанча гапга чечан бўлганимда ҳам бу гўзал сурат таърифини асл ҳолича келтиролмаган бўлардим. Унинг қалин сочлари нозик елкаларига тўкилиб турарди, туташ қайрилма қошларнинг икки учи ҳам гўзал юзларнинг малоҳатини яширишга уринаётган сумбул кокиллар остига чекинган. Узун, тароқ тишларидек текис киприклар камон қошлар томон интилганлар. Кўзлар... Балки фақат ўз соҳибасига аён ҳисларни акс эттириб турган бу ўйчан ва маъюс кўзларнинг қиёси бани башарда учрамас. Чимчилаб кўйилгандек нафис бурни ёнидаги тариқдеккина хол худди атиргул юзидаги шабнамдек омонат турибди. Чала юмук лаблар орасидан кўриниб турган садаф тишлар қиз малоҳатини кўз-кўз этишга тиришаётгандек гўё. Нафис дудоклар эса, ненидир айтмоққа жуфтланган-у, баайни истиҳола ила журъатсиз

котган.

Мен суратга қанча муддат термулиб ётганимни билмайман. Ҳар қалай сурат ва нигоҳим орасида тушаётган қора парда қош қорайганини билдирарди. Қадам товушларидан сергакланиб, суратни китоб орасига, китобни эса жавонга беркитдим (негалигини ўлай агар, ҳозиргача билолмайман). Курсдошим экан, шоша-пиша тумбочкасидан ниманидир олди-да,

изига

кайтди.

Ким бўлдийкин бу қиз? Китобнинг эгасимикин? Нима сабабдан яқиндагина харид

килинган китобини сотишга мажбур бўлдийкин? Балки пулга мухтож бўлиб қолгандир? Кўринишидан куни биргина китобга қолган бечораҳол қизга ўхшамайди. Яна ким билади дейсиз.

Нима бўлганда ҳам бу қиз, янаям аниқроғи, унинг сурати табиатимда ажиб ўзгариш ясаган эди.

Менга тинчлик бермаётган жавобсиз саволлар таъқибидан қутулиш учун ҳозиргина жавонга жойлаган китобни олиб, қайта варақлашга тушдим. Мукованинг ички томонидаги гажакдор ҳарфлар худди оҳанрабо мисоли бутун диққат-эътиборимни ўзига тортди. «Сурайё, байрамингиз қутлуғ бўлсин, 8 март, 199... йил». Бўлди, шу, холос. Ортиқча жимжимадор сўзлар ҳам, табриклагувчининг исми-насаби ҳам, ҳатто имзоси ҳам йўқ. Бир қарашда дастхатнинг қайси жинс вакилига тааллуқли эканини ҳам айтиш қийин. Аниғи шуки, қизнинг исми Сурайё, китоб байрам муносабати билан тақдим этилган. Лекин ким тақдим этган? Ака-укаси, опаси ё синглисига ўхшамайди. Дўсти ёхуд дугонасимикин? Балки севган йигитидир? Ахир шундай гўзал хилқатни қайси юрагида ўти бор йигит севмайди.

Миямга урилган бу фикрдан дилим ғашланди. Таажжубки, ҳали умримда кўрмаганим бир қизни унинг мавҳум севгилисидан рашк қила бошлагандим, чоғи. Ҳа, бунга шубҳам йўқ. Мен ўша онданок уни таниган, билган, кўрган йигитлардан рашк қила бошлагандим. Сурат, шу бир парча жонсиз сурат мени аллақачон ўз измига, истаган кўйига солмоқда эди.

Гапнинг қисқаси, ўша кундан мен Сурайёни севиб қолдим. Юрагимда ишқ-муҳаббатнинг пайдо бўлишига сабаб шу бир парча қоғоз экани балки ким учундир кулгили туюлар, аммо мен учун йиғлагулик эди.

Ҳозир суратдаги қиз қаерда, нима билан банд экан-а? Нималар ҳақида ўй сураётган, кимларни ўйлаётган экан? Мендек бир йигит унинг суратини кўксига босганча бедор тонг оттираётганини билармикин? Унинг ўзи билан кўришиш менга насиб этармикин?». Икки-уч кунни ана шундай сарсари хаёллар исканжасида ўтказдим. Уни қидириб топишнинг мен учун биргина йўли бор эди. Мени тинимсиз азоблаётган бу жумбоқнинг ечими бўлса, фақат ўша китоб дўконидан топилар... «Борди-ю... сурат китоб эгасига тегишли бўлмаса-чи», деган ҳадик шундоғам ғаш кўнглимнинг бир четини кемириб турарди. Ҳар қалай сурат китоб ичига тасодифан тушиб қолмагани аниқ. Бор умидим ўша сотувчи аёлдан эди. Баъзи дўконларда сотилган китоб эгасининг исми, манзили қайд этиб борилишини эшитгандим. Таваккал қилиб, ўша, эски китоблар дўконига йўл олдим. Дабдурустдан сотувчи аёл мени танимади.

-Овора бўпсиз, йигит, биз сотган китобларимизни қайтариб олмаймиз. Истасангиз, ярим нархида ташлаб кетишингиз мумкин.

«Бу аёлга мақсадимни қандай тушунтирсам экан», дея бошим қотди.

-Опахон, китоб ичида бировнинг омонати бор экан. Шунинг эгасига етказсам девдим. Уни ким келтириб топширганини айтиб беролмайсизми?

Аёлнинг кўзлари чакнаб кетди:

-Нима? Ичида пул-мул бор эканми?

Кулгим кистади.

-Йўқ, пул бўлганида ёнингизга келиб ўтирмасдим. Бошқа... зарур ишим бор эди. Илтимос, ёрдам беринг, хурсанд қиламан.

Журъатсизлик билан чўнтагимдан шоколад чиқариб, аёлнинг тортмасига ташлаб қўйдим. Сотувчи аёл аввал менга бошдан-оёқ разм солиб чиқаркан, кейин олдида турган қалин дафтарни варақлашга тушди.

-Қанақа китоб эди, менга беринг-чи?

Аёл китобнинг тартиб рақамига қараб, у сотиб олинган санани аниқлади.

-Хў-ўш, икки ой илгари Герамиенко Любовь Геннадьевна деган аёл келтириб топширган экан. Чилонзор, фалон мавзе, фалон уй.

Аввалига шоша-пиша айтилган манзилни ёзиб олдим. Кейин... «Қизик, бу Любов Геннадьевнаси ким бўлди? Ахир менга Сурайё керак эди-ку! Бундан ташқари, рус аёлининг уйида ўзбекча китоб сақланиши жуда ғалати». Ҳар қалай бу жумбоқнинг ечими ҳозир ёзиб олган манзилда эканини фаҳмлаб, оёғимни қўлга олиб югурдим. Минг бир ҳаяжон билан эшик қўнғироғини босдим. Ичкаридан аёл кишининг «Ким?», деган овозини эшитиб, ичимда кутилмаган титроқ уйғонди. «Нахотки, бу ўша Сурайё бўлса? Айтгандай, шу пайтгача у ҳақда тинимсиз ўйлабман-у, у билан юзма-юз келиб қолсам, нима дейишим мумкинлигини хаёлимга келтирмабман. Чиндан ҳам, келганимнинг сабабини қандай тушунтираман? «Китоб орасидан суратингизни топиб олдим, суратингизни кўриб, сизни севиб қолдим, кейин уйингизга қидириб келдим», дейманми?». Шу истиҳолада турганимда ичкаридан бояги сўроқ қайтарилди.

-Ким?

-Мен...

Жавобимнинг мантикдан йироқлигини шу заҳотиёқ англаб, тузатиш киритдим.

-Сурайё... деган қиз шу ерда турадими?

-Ким? Сурайё?

Демак, бошқа аёл.

-Йўқ, бизникида бунақа қиз яшамайди, -изоҳ киритилди ичкаридан.

«Тавба, нега занжир ҳалқалари бир-бирига боғланмайди. «Чолиқуши», Сурайё, Любов Геннадьевна, манави нотаниш аёл...».

-Унда... Любов Геннадьевна деган аёл шу уйда турадими?

-Йўқ, сиз уйнинг аввалги эгасини сўраяпсиз, чоғи. Биз бу уйни ундан яқинда сотиб олганмиз.

«Тарвузи қўлтиғидан тушди» ибораси менинг айни пайтдаги ҳолатимга мутлақо уйғун эди.

-Кечирасиз, ўша аёл ҳозир қаерда туришини билмайсизми? -Саволимни тугатмай туриб, ундан қониқарсиз жавоб олишимга кўзим етганди.

-Билмадим, уйни сотиб Россияга кетмоқчийди, шекилли...

Эшик ортидан қайтарилган охирги жавоб бирмунча зардали ва норози оҳангда янграгани учун ортиқча эзмалик қилмай, орқага қайтишни маъқул кўрдим.

Эҳ, Сурайё! Мен бу қизнинг дарагини топсам бас, дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришга тайёр эдим.

Кетиб борарканман, ўзимча шуларни тахмин қилдим. «Демак, Сурайё ўша рус аёлнинг уйида ижарада турган. Эҳтимол, бу уйдан кўчаётганида китоб қолиб кетгандир? Уй эгаси эса ҳар қалай бир-икки буханка нон пули умидида китобни букинист дўконига элтиб пуллаган». Чандон мулоҳаза юритсам-да, бундан-да жўяли ва мантиқли асос топа олмадим.

Шу воқеадан сўнг бу телба хаёллар мени тарк этар деган умидда эдим. Афсуски, хаёл деганлари инсон измига бўйсунмайди, аксинча, уни ҳам ўзига итоат эттириши мумкин. Мавҳум маҳбубам мени тамомила ўзига асир этган, мен бечора кун сайин исмсиз туйғулар оташида қовжираб борардим. Аммо бу мавҳумотни ҳеч кимга, энг яқин ошнамга ҳам очмадим. Шу чоққача бу ҳақда бир бандага «чурқ» этган эмасман. Орадан йиллар ўтса-да, сурати билан мени ипсиз боғлаб олган санамнинг саркаш хаёллари мени тарк этмади. Ҳар кун, ҳар лаҳза уни учратиб қолиш илинжи билан яшадим. Ўқишни битирганимга беш йилдан ошди. Бу муддат ичида онам, ака-опаларим бошимни икки қилиш учун қанча ёзғиришмади. Мен эса ёшим ўттизга қараб кетаётган бўлса-да, уйланишга ошиқмасдим. Ҳаммасига ўша сурат сабабчи десам, балки кулгига қоларман. Аммо бўйдоқлигимнинг бундан бўлак сабаби ҳам, баҳонаси ҳам йўқ эди. Менинг бу рангсиз ҳаётимдаги энг яқин сирдошим ҳам, энг катта бойлигим ҳам, энг яхши овунчоғим ҳам шу сурат, шу китоб эди. Мен бу китобни қайта-қайта ўқиб чиқарканман, бир пайтлар бу ҳарфлар Сурайёнинг олов

нигоҳларига туташганини тасаввур этиб, руҳимда ажиб бир енгиллик туярдим. Кейин эса китоб ичидаги суратга тўйиб-тўйиб тикилардим. Бу суратга соатлаб термулиб ўтирган бўлсам-да, ҳар гал ундан бирор янгилик топгандек бўлардим. Сурат мен билан яшар, мен қатори улғайиб борарди. Сурат ҳар доим шу китобнинг ичида турар, китоб эса жавоннинг энг юқори тоқчасидан жой олганди.

...Ҳозир эса, китобни меҳмоннинг қўлида кўриб, эҳсонам чиқиб кетаёзди. Ўз маъшуқасини ағёр кучоғидан топган ошиқнинг аҳволидан кам эмасди ҳолатим. Шунда... вужудим ўзимга бўйсунмади. Оёқларим унга яқинлашди. Қўлларим эса чаққонлик билан китобни тортиб олди. Шунда сурат китоб ичидан сирғалиб Улашнинг оёқлари остига тушди. Бу гал у чаққонлик қилди. Суратни олиб, аввал ундаги қизга, кейин менга қаради.

-Бу китоб қўлингизга қандай тушиб қолди? -сўради зўриққан бир овозда. Шунда қарахт шууримни бир ҳақиқат ёриб кирди. Йиллар давомида мени азоблаб келган жумбоқлар айна лаҳзада ечилиши керак эди.

-Сиз уни танийсизми? -титроқ овозда сўрадим. Улаш ҳайрат ва савол тўла нигоҳларини мендан узиб, яна суратга қадади.

-Сурайё, -дея ожиз пичирлади унинг лаблари. Суратни аввал кўксига, кейин лабларига босди.

Мен тамом қотиб қолгандим. Нимадир қилмоққа, нимадир демоққа қурбим етмасди. Орада узун муддат жимлик пайдо бўлди. Улаш ҳам шу санамнинг ишқида узоқ вақт изтироб чекиб юргани аниқ эди. Нима бўлса-да, ўзимдан ўтганларни сир тутишга аҳд қилдим. Шундагина унинг ичидаги ҳамма гапни суғуриб олишим мумкин эди.

-Китобни уч-тўрт йил аввал «букинист» дўконидан олганман, -дедим имкон қадар ўзимни қўлга олиб. -Бу сурат ҳам ичида эди... Бўлди. Бошқа ҳеч нарса демадим. Қолган ҳамма гапни у айтиши керак эди. Айтди.

-Бу китобни унга хотин-қизлар байрами куни совға қилувдим, -деди Улаш ўз-ўзига гапираётгандек хаёлчанлик билан. -Ўша куни қанчалик қувонгани ҳалиям кўз олдимда турибди. Бу китобни у жудаям ардоқларди. У... ўлганида кўп нарсалари ўша ўрис кампирникида қолиб кетган...

Биргина «ўлган» сўзи ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди. Наҳотки... наҳотки... Йўқ, айна пайтда ўзимни қўлга олишим, ҳаммасининг охирига етишим керак.

-У ўлганми?-бор журъатим шу саволни беришга етди. Улаш бош ирғаб тасдиқлади:

-Ҳаммасига ўзим сабабчиман. Унинг уволига қолдим... Мени қанчалар севарди бечора, қанчалар севарди-я! У мени деб ҳамма нарсасини қурбон қилди. Мен унинг қадрига етолмадим. Унинг номусини барбод қилдим. Юзини ерга қаратиб, ташлаб кетдим. Отам минг чақирим олисдан келин қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. Сурайёга ҳаммасини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бироқ тушунгандан нима фойда? У пайтда кеч бўлганди.

-Энди мен нима қиламан? -деди кўз ёшларига кўмилиб.- Ўртада... гумонамиз бор, ахир... Бетимни қаттиқ қилдим.

-Сизни ҳеч ким мажбурлагани йўқ... Сурайё ўшанда пойимга тиз чўкиб қанчалар ёлворди, таваллолар қилди. Ялиниб-ёлворди. «Сизсиз яшагандан кўра ўлганим минг қарра афзал», дея зор қақшади. У пайтда менинг кўзларим кўр, қулоғим қар эди.

Кимдир юрагимни юлиб, ўрнига бир парча муз солиб қўйгандек эди. Илтижолари наф бермаслигини кўрган Сурайё оҳиста ўридан турди, кўзларимга тик қараб нимадир демоққа оғиз жуфтлади. Аммо, ҳеч нарса демай, терс бурилиб кетди. Унинг тил учида қолган сўнги сўзи мен учун жумбоқ бўлиб қолди.

Шу-шу, қайта учрашмадик. Орадан анча вақт ўтиб, унинг ўлиmidан дарак топдим. Билмадим, ўз жонига қасд қилганмикин. Аввалига ичимдан қиринди ўтиб юрди. Мени

тутиб қамашларидан кўрқиб кишлоққа қочиб кетдим. Йўқ, негадир ҳеч ким мени кидириб бормади.

Отам айтган қизга уйландим. Бироқ турмушимиз узоққа чўзилмади. Юлдузимиз тўғри келмади, шекилли. Йиллар ўтиб ўз хатомни англаб боряпман. Сурайёни қанчалар хўрлаганимни энди тушуниб етаяпман.

У суратга узоқ термулиб қолди. Мен ҳамон ҳайкалдек қотиб турардим. У лоқайд қиёфада ўрнидан турди.

-Майли, ака, энди менга рухсат. Қиладиган ишларим кўп эди. У кетаётганида ҳам менда бирор ўзгариш сезилмади. Беихтиёр стол устига ташлаб кетилган суратни кўлимга олдим.

«Сурайё! Наҳот мен малакдек деб билганим, шабнамдек покиза санаганим, фариштадек муқаддас билганим Сурайё келиб-келиб мана шу лапашангнинг оёқлари остида поймол бўлган бўлса? Қўл етмас чечак билганим қачонлардир бир номард томонидан юлиниб, тупроққа қорилган бўлса?».

Юрагимда бир-бирига қарама-қарши, шу пайтга қадар менга нотаниш бўлган ҳислар бош кўтарган, бир-бири билан тинимсиз курашмоқда эди.

Мен Сурайёдан ранжишга, уни хиёнатда айблашга ҳақли эмасдим. Чунки у менинг бу дунёда борлигимни ҳам билмай ўтиб кетди. Марҳумлардан эса ранжиш беҳуда. Не ажабки, мен энг олий матлаб деб билганим, унинг муҳаббати ва ҳатто номуси... манави ландовурга насиб этган экан.

Дафъатан маҳбубамнинг шу лоқайд, ҳиссиз, тўнка ҳамкасбим пойида тиз чўкиб турганини кўз олдимга келтирарканман, юрагимда қаттиқ бир санчиқ кўзғалганини пайқадим. «Эҳ, Сурайё! Нега ўша пайтда тақдир сени менга эмас, сенинг бир тола сочингга ҳам бериқсиз бир нотавонга рўбарў қилди? Сенинг бахтинг, қувончинг, лоақал биргина табассуминг учун бутун борлигимни бермасмидим? Нечун ўзингни оёқости қилишларига йўл бердинг, жоним?».

Суратга тикилдим. «Наҳот мана шу жоду кўзлар, ол ёноқлар, ғунча лаблар, шу бетимсол гўзаллик бир уюм тупроққа айланган? Йўқ, ахир у рўпарамда, мендан кўз узмай турибди-ку!».

Сурайёнинг нигоҳлари таънаю маломатга тўла эди. «Мени ростдан ҳам севармидинг? Нега қараб турдинг унда? Нега ақалли бир оғиз бўлса-да гапирмадинг?». Вужудим худди ток ургандек бир қалқиб кетди. Гўё жисмимга ғайритабиий куч ёғилгандек бўлди. Шиддат билан эшик томонга юрдим. Йўлак бўм-бўш эди. Ташқарида ҳеч ким кўринмасди.

-Ўлдираман, -дедим муштимни сиқиб. -Эртага албатта ўлдираман, -тишларим ғижирлади. Нима сабабдан кўлимга қалам олганим, ҳамма тафсилотни қоғозга туширганим ёдимда йўқ. Аммо шуниси аниқки, эртага уни албатта ўлдираман...».

Терговчи дафтардаги сўнгги жумлани ўқиб бўлганидан кейин ҳам бир муддат бир текис саф тортган ҳарфлардан кўз узмай турди. Бир неча дақиқа ҳозиргина ўқиганлари таъсиридан чиқолмай турди. Мана сенга ҳамма жумбоқнинг ечими.

«Бечора айбланувчи. Муҳаббатни сир тутиб келгани учун жинояти сабабини ҳам айтмаган экан-да! Эргашев чиндан ўлимга маҳкумиди-йўқми, бир нарса деёлмайди. Қонун нуқтаи назаридан бу мумкин эмаслигини яхши билмайди. Аммо, инсонда шундайин туйғулар бўладики, улар ташқи муҳит билан, қонун-қоидалар билан ҳисоблашиб ўтирмайди». Терговчи бахтсиз ошиққа чандон ачинмасин, кўлидан бирор иш келмаслигини сезиб турарди. Агар тузукроқ адвокат ёлласа, жазо муддати бир-икки йилга қисқартирилиши мумкин, холос.

«Қизик, ҳеч кимга «чурқ» этишни истамаган бўлса, нега бу сатрларни ёзиб кетдийкин? Балки, ростдан ҳам сирларини, дарди дунёсини тўкиб-солиш учун қоғоздан бўлак ҳамроз тополмагандир?»

Бу дафтарни онаси, яқинлари ўқимаган чиқар. Балки, бу ҳақда билмаганлари ҳам маъқулдир? Барибир тергов ҳужжатларига баъзи аниқликларни киритиш учун дафтарни

Ўзи билан олиб кетгани маъкул».
 -Холажон, сизни ҳам анча безовта қилиб қўйдим, энди мен кетишим керак.
 -Ўз дардим билан бўлиб, сизга дастурхон ҳам ёзиш эсимга келмабди, -аёл айбдор қиёфада
 жилмайишга уринди.
 -Фақат, мана шу дафтарни ўзим билан опкетяпман, керак бўп қолиши мумкин.
 Аёл дафтар ҳақида сўраб ҳам ўтирмади. Ортиқча илтифотсиз хайрлашишди. Терговчи
 ҳозиргина ўқиб чиққанлари таъсиридан кутулмаган, йигитни оқлашни ҳам, қоралашни
 ҳам билмасдан кетиб борарди.

Рустам Жабборов Шафак

...Салом, мен яна келдим!
 Биламан, мени кутмайсан. Мени кўришни, овозимни эшитишни ҳам истамаслигингни
 яхши биламан. Била туриб, ёнингга келавераман.
 Биламан, мени ҳеч қачон кечирмайсан. Кечирим сўрашга ҳам ҳақли эмасман. Шу боис,
 узрхоҳлик учун келганим ҳам йўқ. Келишимнинг сабаби эса, ўзингга аён Сени ҳамон
 севаман. Ишонмайсан-а! Севган одамнинг қўлидан нима келишини билганингда эди...
 Бу кучли муҳаббат (ҳа, бундай дейишга асосим етарли) менда қачон туғилганини аниқ
 эслолмайман. Эҳтимол, ҳаммаси сени таниган, кўрган пайтимдан бошлангандир? Сени
 эса, ўз ақлимдан ҳам аввалроқ таниганман.
 Ана шу севги туфайли юз бердими ҳаммаси? Йўқ, севгини айблаб бўлмайди. Севгига тил
 теккизиш мумкин эмас. Сен бунчалар чиройли, латофатли бўлмаганингда эди, Сени
 севмаган бўлардим. Сени севмаганимда эди...
 Сен ҳам мени севар эдинг-ку! Ҳар қандай вазиятда бир-биримизни ташлаб кетмасликка
 аҳдлашган эдик-ку! Кўзларимга тик боқиб алдаганмидинг ўшанда?
 О, бу кўзлар! Мен уларда муҳаббат шафақидан бошқа рангни кўрмайпман. Наҳот севгимиз
 қуёш мисол уфқ ортига чекинди? Йўқ, қуёш эртага яна тун пардасини ёриб, оламни
 чароғон этади. Агар биз қуёш қайтиб чиқмаслигига ишонганимизда унинг ботишини завқ-
 шавқ, ҳайрат билан кузатмас эдик.
 Эсингдами, ҳув анави тепалик остида, Янгиариқ лабида илк бора иккимиз бирга қуёш
 ботишини кузатганимиз. Ўшанда қуёшнинг уфққа чўкишни кузатиш нақадар завқли
 эканини биринчи маротаба ҳис этганман. Буни сен ҳам сезган эдинг!
 -Қаранг, дунёда бундан ортиқ гўзаллик бўлмаса керак,-дегандинг энг тоза, энг гўзал
 ранглар уйғунлашиб кетган уфқдан кўзингни узолмай.
 Мен эса, сенга термулиб қолдим.
 -Йўқ, адашдинг,-дедим кўзларингга тик боқиб.
 Бирдан қовоғинг уюлди. Чамамда, гапингни маъқуллашимни кутгандинг.
 -Дунёда ҳеч нарсасенинг гўзаллигинг билан тенглашолмайди.
 Бирдан ерга қарадинг. Ўшанда юзларинг қаршимизда ястаниб ётган алвон уфқдан ранг
 олдим, ё уфқ бу қадар нафосатни сенинг юзингдан ўғирлаганмиди, билолмадим.
 Ўшанда аъзои баданимда нотаниш бир ҳарорат пайдо бўлди. Ихтиёрсиз қолдим. Билинар-
 билинмас титраётган қўлларим билан билагингдан тутдим. Олов юзларинг, қайноқ
 дудокларинг ташна лабларимни баттар қуйдирганини ҳамон эслайман. Кейин сен мендан
 аразладинг. Мен билан бир ҳафта гаплашмай юрдинг.
 Кейин... мени ҳарбийга чақирдилар. Хайрлашув баҳонасида сен билан охирги маротаба
 яна ўша жойда, ариқ бўйида, уфққа бош қўяётган қуёшнинг рўпарасида кўришдик.
 Шафакранг кўйлак кийиб олгандинг. Кўзларингдан ҳар доимгидек самимият, ифбат ва
 маъсумлик акс этарди.
 -Мени кутасанми,-сўрадим.
 -Кутаман,-дединг жилмайиб.

Индамадинг. Севар эдинг. Буни эътироф этмасанг-да, кўзларинг, шу маъсум кўзларинг қалбинг сирини аёвсиз фош этарди. Яна қўлларингдан тутдим. Яна бағримга босдим. Яна қайноқ бўсалар лабимни куйдирди. Бу гал... аразламадинг. Елкамга бошингни қўйиб, узок вақт жим қолдинг. Кейин бирдан бағрингга босдинг-да, йиғлаб юбординг. -Кетмайсиз, хеч қаёққа юбормайман... Сенинг бўйнимга чирмашган бу нозик қўлларинг мени қисмат чангалидан кутқаза олармиди?

Ўшанда хушхол кайиятда уйга кириб келдим. Еру кўкка сиғмасдим. Мени кузатиш учун уйимизга йиғилган қариндош-уруғ, кўни-қўшнилар қувончимни ўзларича тушунишди. -Ҳа, ҳали армия нималигини билмайсан-да, билганингда... Ўша куни ўтириш ярим тунгача давом этди. Менинг сиримдан фақат Жўрабек хабардор эди. Синфдошим, ўн йил мен билан бир партада ўтирган кадрдоним Жўрабек. Ҳамма уй-уйига тарқалаётганида уни секин ёнимга чақирдим. -Оғайни,-дедим қўлимни унинг елкасига қўйиб.-Дилдорани сенга топшириб кетаман. Сенга ишонаман, қараб юр, бирортаси унга яқинлашмасин. -Яқинлашса, нақ энасини кўрсатаман,-дея муштини тугди Жўрабек.-Сен бемалол бориб, бизнинг ўрнимизга ҳам хизмат қилавер.Фақат, тез-тез хат ёзиб тур. -Албатта ёзаман, қишлоққа келадиган хат-хабарнинг ҳаммаси биринчи бўлиб сенинг кўлингдан ўтади-ку!

Биласан, Жўрабек оилада биттаю битта фарзанд. Отаси ҳам эрта қазо қилгани учун рўзгорни тебратиш унинг бўйнида эди. Ўша пайтлари эндигина коллежни битириб, почтачи бўлиб ишга жойлашганди. -Дилдорага ёзган хатларимни ўзининг қўлига обориб берасан, дея қулоғига қуйдим.-Мабодо уйдагилардан бирортасининг қўлига тушиб қолса... яхшимас-да! Кейин... жавоб хатларини ҳам кўлингга опкелиб беради. Кейин мен армияга жўнадим. Ҳарбий хизмат мен ўйлаганимдан тамомила бошқача экан. Бошида анча қийналдим. Бироқ, бора-бора кўникиб ҳам кетдим. Аммо, сенсизликка, айрилиққа кўниколмасдим. Соғинч ёмон бўларкан. Эртаю кеч сени ўйлардим. Хатларингни бўш вақтимда қайта-қайта ўқиб ёдлаб олгандим. Бу битиклар мен учун жонимдек азиз эди. Уларни кечалари бошимнинг остига қўйиб ухлардим. Кейин, қалбимда бетиним жўш ураётган исмсиз туйғуларни сўзга айлантириб, сенга ошиқона мактублар битардим. Ҳар бир мактубимга жавобингни саҳродаги ташна йўловчи сингари чанқоқлик билан кутардим. Кутилмаганда... сендан хат келмай қўйди. Бир ҳафта, ўн кун, бир ой... Ҳар куни казармага қайтиб, хат келган-келмаганини сўрайман. Кейин ҳафсалам пир бўлади. Соғинч. Интизорлик мени қай аҳволга солганини тасаввур ҳам қилолмайсан. Вақт ўтгани сайин муштоклигим ҳам, кўркув ва хавотирим ҳам орта борди. Шундагина Жўрабек эсимга тушди. Қизик, шу пайтга қадар мактубларим унинг қўлидан ўтса-да, унинг ўзига хат ёзмаган эканман. Бу сафар ёздим. Сени сўрадим. Аммо Жўрабекдан ҳам ҳадеганда жавоб келавермади. Еру кўкка сиғмай борардим. Шундай кунларнинг бирида... Жавоб келди. Жўрабекдан. Қисқа, жумбоқли ва... шафқатсиз...

О, сен билмайсан, бу хатда терилган золим сўзлар шу пайтгача юрагимни тилкалаб келади. “Ўрток, мен Дилдорага уйланыпман. Фалон куни тўй. Шунақа бўп қолди. Хафа бўлмагин”.

Хафа бўлмадим. Аммо, минг бор ўлим тирилдим. Бу қанақаси бўлди? Мен севган қиз қанақасига кўнглимга тупура олиши мумкин? Мен ишонган дўст қандай қилиб юзимга оёқ қўяди? Наҳот шу гаплар рост бўлса? Бутун борлигимни даҳшатли таҳлика маҳв этганди. Қаерда эканим, кимлигимни эсимдан чиқариб қўйгандим гўё. Бу воқеанинг туб моҳиятини, даҳшатини англаганимда мен тамомила бошқа одамга,

бешафқат, золим бир кимсага айланиб улгургандим. Бор вужудим даҳшатли қасос иштиёқида ёнарди. Мени алдаган, ор-номусимни топтаган, ҳис-туйғуларимни таҳкирлаган, юрагимга тупурган ғанимлардан ўч олишдан бошқа мақсадим қолмаган эди. Тўйингга ҳали икки кун бор эди. О бу кунлар! Инсон қилган гуноҳлари учун ўлганидан кейин дўзахда азобланади, дейишади. Йўқ, мен ўлмай турибоқ жаҳаннам оташига гирифтор бўлгандим. Аммо, қайси гуноҳларим эвазига бундай мудҳиш азоблар юборилганини тушунолмасдим.

Туни билан ухлолмай, юрагимда тошаётган нафрат тўфонини сўндириш учун турфа режалар тузиб чиқдим. Ниҳоят... эрталаб қатъий қарор билан оёққа турдим. Дам олиш куни бўлгани учун рота аскарларига шаҳар айланиш учун ярим кунлик рухсат берилган эди.

Бундан бошқа қулай фурсатни кутиш ақлсизлик бўларди. Шу фурсатдан фойдаланиб... қочдим. Ҳа, қанчалик оғир жиноят эканини била туриб, онгли равишда ҳарбий хизматдан қочдим. Барибир қачондир қўлга тушишим, қонун олдида жавоб беришим муқаррар эканини билардим. Аммо унча, ҳаммасига улгуришим керак эди. Қишлоққа айнан тўй куни етиб келдим. Шу куни негадир қишлоқ кўчалари ҳам тамоман бўш эди. Ёки ўшанда кўзимга ҳеч ким кўринмадими? Рост, кўзим кўр, қулоғим қар, юрагим бир парча тошга айланган, миямда эса, биргина ўй қайта-қайта чарх урарди: “Ўч, ўч, ўч!”

Таажжуб! Уйда ҳеч ким йўқ. Бутун қишлоқ тўйхонага кўчиб чиққан кўринади. Мен эса, елкамга миниб олган шайтоннинг амрига буткул қул бўлган эдим. Қалбимда бир пайтлар сенга нисбатан тўлиб тошган муҳаббат чексиз нафратга айланди. Қаҳр-ғазаб мени тамомила ўз измига солганди. Отам ҳайдайдиган “КамАЗ” ҳар доимгидек дарвозахонада турибди. Машинанинг калити ҳам ўз жойида – айвондаги устунга осиб қўйилган. Машинани юргизиб кўчага чиқардим. Тўғри тўйхонага қараб ҳайдадим. Бу пайтда келин куёв – севгилим ва дўстим – сен ва у (бу икки исмни ёнма-ён айтиш...) энди машинадан тушаётган эдинглар. Сен оппоқ ҳарир либосда уни қўлтиқлаб олганча, оҳиста қадам босиб келардинг. Атрофни тўй эгалари, қариндош уруғ, таниш-билишлар ўраб олганди. Ё раб, бу не ҳол? Сен фақат... фақат меники бўлишинг керак эди. Бу хиёнатга, бу қабоҳатга чидаш мумкинми?

Кўзимга қон тўлиб машинани сизлар тарафга ҳайдадим. Ён атрофдаги одамлар қий-чув кўтариб, ҳар томонга тум-тарақай бўлишди. Шундан кейин... миямдаги ўй-хаёллар, хотиралар, орзу-умидлар ҳаммаси бир-бирига қоришиб, остин-устун бўлиб кетганди. Фақат ўшанда кўз олдимни қизғиш, шафакранг туманлик қоплаб олган, қулоғим остида эса, даҳшатли чинқирик муттасил жарангларди. Бу сенинг жон талвасасидаги фарёдинг эдими?

Мени қамашмади, текшириб кўргач, “руҳий касал” деган хулосага келишди. Икки йиллик умрим жиннихонада ўтди. Кейин... қўйиб юборишди. Бу ҳаётда менинг бирор илинжим қолмади энди. Фақат сенинг ёнингга келсамгина, бир бурда қалбим, ногирон оҳим таскин топгандек бўлади. Биламан, бу гуноҳимни кечира олмайсан. Худбинлигим боис сенинг ҳаётингни, бахтингни, орзуларингни барбод қилдим. Аммо, ундан ҳам олдин менинг борлигим йўқликка айланган эди.

Азизам, яна юзма-юз турибмиз. Кўзларингга қарашга ботинолмаяпман. Гарчи ёнингга бўлишимни хоҳламасанг-да, мен келавераман. Энди кетмайман. Энди ҳеч ким сени мендан айира олмайди.

Қара, яна куёш ботяпти. У ҳали ётоғига кирмай туриб, уфқни алвон чойшабга буркаб ташлабди. Ҳадемай. Уфқ ҳам тун истилосига дош беролмай, қоронғуликка сингиб кетади. Қуёш ҳам қайтиб уйғонмайди. Эртага тонг ҳам отмайди... Бунчалар совуқ бўлмаса? Сен-чи, сен совқотмадингми? Кел, қучоғимга босиб, иситай. Фақат, ёнингдан қувмасанг, бас...

Қабристон қоровули уни яхши танирди. Ҳар ҳар замонда йўлак четидаги шу қабр устига мук тушиб, ўзича нималарнидир гапириб ўтирганига кўп мартаба гувоҳ бўлган. Унга гап қилмаслигини биларди. Кеча кечқурун ҳам шу ерда учратганди бу телба йигитни. Эрталаб, шу ердан ўтаётиб, қабрни қучоқлаганча қотиб қолган жасадни кўрди.